



**ГИПС АСОСИДАГИ ҚУРУҚ
ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА
АМАЛИЙ УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

 www.sqb.uz



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти

A handwritten signature in black ink, appearing to read 'Sh. Mirziyoyev', located in the bottom right corner of the page.



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

С.А.Холмирзаев – Наманган муҳандислик-қурилиш институти “Қурилиш материаллари ва буюмлари” кафедраси мудири, т.ф.н.
Ф.Ф.Тоғаймуродов - “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази етакчи мутахассиси.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.

Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълум

от олиш, керакли хом ашё турлари, мавжуд захиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъерий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!


Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!


МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Гипс асосидаги курук қурилиш қоришмалари ҳақида умумий маълумот	10
1.1 Республикамизда курук қурилиш қоришмали маҳсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси	12
1.2 Гипс асосидаги курук қурилиш қоришмаларининг турлари, физик-кимёвий ва механик кўрсаткичлари	18
1.3 Афзалликлари	24

1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	26	VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	54
II. Хом ашё турлари ва мавжуд заҳиралар	28	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	56
2.1 Хом ашё турлари	30	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	60
2.2 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё заҳиралари	32	VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш	62
III. Ишлаб чиқариш технологиялари	36	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	64
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	40	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	70
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	42	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	72
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	46	Fойдаланилган адабиётлар	74
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	48		
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	50		

КИРИШ





Охирги йилларда Ўзбекистон Республикаси катта қурилиш майдонига айланди, десак муболага бўлмайди. Республикамининг қайси бир вилоятини олманг, уларнинг барчасида катта қўламдаги саноат,

уй-жой ва жамоат бинолари қурилиши юқори суръатлар билан олиб борилмоқда. Шунинг учун замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, шу жумладан, истиқболли лойиҳаларни

амалга ошириш, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш – давр талаби ҳисобланади.

Шу билан бирга республикадаги қурилиш амалиёти шунини кўрсатиб бермоқдаки, энг замонавий қурилиш материалларидан бири ҳисобланган гипс асосида қуруқ қурилиш қоришмаларининг ишлатилиш қўлами ҳамон етарли даражада эмас. Дунёга машҳур «Knauf» компанияси яқин истиқболда Ўзбекистонда гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмаларини тайёрлаш ҳажмини оширишни режалаштирган бўлсада, умуман олганда қуруқ қурилиш қоришмаларидан фойдаланилиш даражаси илғор хорижий мамлакатлар кўрсаткичларидан анча паст.

Оммавий қурилиш амалиётида қуруқ қурилиш қоришмаларини кенг қўлланилишига тўсқинлик қилувчи асосий сабаблардан бири - уларнинг нархи анча юқори эканлигидадир. Ўзбекистон қурилиш материаллари бозорини эгаллаган


қуруқ қурилиш қоришмаларининг кўпчилиги илғор хорижий фирмаларнинг технологияларига асосан тайёрланиб уларнинг рецептураси бир қатор импорт қилинувчи кимёвий қўшимчаларни қўшишини кўзда тутуди ва бу қўшимчаларнинг қиймати барча харажатларнинг 90 фоиздан ортиғини ташкил қилади.

Ҳозирги кунга келиб маҳаллий қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқарувчилар олдида турган ўта долзарб муаммолардан бири - сифатли ва арзон нархдаги қуруқ қурилиш қоришмаларини маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиб, қурилиш материалларини ишлаб чиқиш рецептураси ва технологиясини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу муаммонинг энг истиқболли ечими ҳам қуруқ қурилиш қоришмалари нархини истеъмолчилар учун яқинроқда жойлашган ва маҳаллий хом ашё материаллардан фойдаланиб, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш корхоналарни ташкил қилиш орқали нархларни пасайтиришдан иборат.

I. ГИПС АСОСИДАГИ ҚУРУҚ
ҚУРИЛИШ ҚОРИШМАЛАРИ
ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ



1.1 Республикамизда қуруқ қурилиш қоришмали маҳсулотларини ишлаб чиқариш истиқболлари ва жаҳон тажрибаси



Қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича биринчи патент 1893 йилда нашр этилган. Шунга қарамай, Европада 1950 йилларга қадар қурилиш қоришмалари фақат қурилиш майдончаларида тайёрланган. Қуруқ қурилиш қоришмалари - бу кўп компонентлардан ташкил топган қоришма бўлиб, уларнинг таркибида минерал боғловчилар, тўлдиргичлардан ташқари, минерал боғловчининг қотиши ва мустақамлигини бошқариш ҳамда қоришма қотгандан кейинги зарур физик-механик хоссаларга эришини таъминлаш мақсадида кимёвий қўшимчалар комплекси мавжуддир.

Ҳозирги вақтда қурилиш ишларини қуруқ қурилиш қоришмаларисиз тасаввур этиб бўлмайди, чунки улар завод шароитида қоришманинг тури ва фойдаланиладиган жойига қараб, барча компонентларнинг нисбати аниқ ўлчаб тайёрланади.

Қуруқ қурилиш қоришмала-

рининг асоси сифатида оҳак, гипс ёки цементдан фойдаланилади. Қурилиш қоришмаларига зарур хоссаларни бериш учун қўшимчалардан фойдаланилади. Полимер қўшимчалар уларнинг ёпишиш қобилятини оширади.

Қуруқ қурилиш қоришмалари ёрдамида юзаларга юқори ишлов бериш мумкинлигини таъкидлаш зарур. Бундан ташқари, улар қуйидагиларга имкон беради:

- вақт ва жойни иқтисод этиш, яъни ҳамма компонентларни харид қилиш, сақлаш ва мураккаб бўлган таркибларни аралаштириб тайёрлашдан воз кечилади;

- ҳар қандай мураккаблиқдаги таркибларга буюртма бериш имконини беради, чунки қуруқ қурилиш қоришмалари замонавий ускуналар ёрдамида тайёрланади;

- нобудгарчиликнинг йўқлиги, яъни хоҳлаган вақтда зарур микдордаги қоришмани тайёрлаш мумкин;

- транспорт харажатлари-

нинг иқтисоди, яъни қуруқ қурилиш қоришмаларидан фойдаланиш қурилиш майдонига доим тайёр қоришмани ташиб келтиришдан воз кечиш имконини беради;

- юқори сифат кафолатининг мавжудлиги, яъни таркиб компонентларини аниқ ўлчаш хисобига қоришма рецептининг аниқлиги (қуруқ қурилиш қоришмаларининг сифатини қурилиш майдонида компонентларни ўлчаб тайёрланган қоришмаларнинг сифати билан солиштириб бўлмайди).

Замонавий қуруқ қурилиш қоришмаларининг номенклатураси жуда кенгдир. Қурилиш материаллари бозори ҳозирги вақтда сувоқ (штукатурка), шпаклёвка, текислаш ва грунтлаш қоришмалари, елим ва бошқаларнинг хилма-хил турларини таклиф этмоқда.

Ҳозирги вақтда республикамизда 40 га яқин кичик ва ўрта бизнес тадбиркорлари томонидан қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон қуруқ қурилиш қоришмалари бозорида ўзимизнинг маҳаллий қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқарувчиларимиздан KNAUF, «Alimix Production», «REAL BUILDING MATERIALS» МЧЖ (Қорасарой қурилиш материаллари) компаниялари, ELERON ELIT SERVIS, МЧЖ, «Rademusservis» хусусий компанияси, VENTUM, «New Live Buildis» МЧЖ, «RAHNAME» компанияси, «Megamix» («Fuber Side-Plast» МЧЖ), «ZEIGER IMPEX» МЧЖ, «RAZATA» МЧЖ, «BI Vermiculit Group» МЧЖ ва бошқалар етакчилик қилмоқда.

Ўзбекистонда "Eleron ELIT SERVIS" МЧЖ ҳақида тўхталиб ўтсак, Eleron компанияси 2006 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда ва қисқа вақт ичида қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқариш бўйича Ўзбекистон бозорида етакчилик қилишга эришди. Моддий-техник база ва ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилиш халқаро стандартларга

жавоб берадиган маҳсулотлар яратишга имкон берди. Бундан ташқари, сифатни яхшилаш учун эластиклик, чидамлик, ёпишқоқлик, қўлланилиш қулайлиги каби сифатларни яхшилайдиган янги қўшимчалар қўлланилади. Қуруқ қурилиш қоришмаларимиз экологик тоза ва соғлиқ учун хавфсиздир. Барча маҳсулотлар мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган лаборатория назоратидан ўтказилади. Бундан ташқари, маҳсулотлар санитария-эпидемиологик хулосага эга.

Маҳсулотлар сифат менежменти тизими ISO 9001:2001 талабларига жавоб беради.

Энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган завод-автоматларда юқори сифатли, дунё стандартлари талабларига жавоб берадиган сувоқ қоришмалари, шпаклевкалар, грунтвалар, қуйма поллар учун қоришмалар ва бошқалар ишлаб чиқарилмоқда.

ГОСТ 31189-2003 да қуруқ қурилиш қоришмаларининг

классификацияси белгилаб қўйилган. Қуруқ қурилиш қоришмалари тош-ғиштарни териш, сувоқчилик ва пардозлаш ишларини бажариш, нуқсонлар ва шикаст етган жойларни тuzатиш, профилактик ҳимоялаш ва бетонни тиклаш, ҳамда турли рангли декоратив қопламалар билан қоплаш учун мўлжалланган бўлади. Қуруқ қурилиш қоришмалари майда дондор композициялардан иборат бўлиб унинг таркибига қуйидаги компонентлар киради: боғловчилар, маълум фракцияли микро тўлдиргичлар ва кимёвий қўшимчалар.

Асосий вазифаларига кўра улар:

- текисловчи;
- пардозловчи;
- пол учун;
- таъмирлаш учун;
- ҳимояловчи;
- териш учун;
- монтаж учун;
- декоратив;
- гидроизоляция учун;
- иссиқлик изоляцияси учун;

- грунтлаш учун фойдалинилади.

Фойдаланилаётган боғловчисининг турига қараб қуруқ қурилиш қоришмалари:

- цементли;
- гипсли;
- оҳакли;
- полимерли;
- мураккаб турларга бўлинади.

Маълум фракцияли микро-тўлдиргичлар:

- кварцли кум;

- оҳактош кукуни;

- доломит кукунлари;

- мел ва бошқалар киради.

Кимёвий қўшимчалар турла-

рига қараб:

- пластификаторлар,

- стабиллаштирувчи

- секинлаштирувчи

- тезлаштирувчи

- куюқлаштирувчи

- ғовак хосил қилувчи

- кўпиртирмайдиган ва бош-

қа қўшимчалар киради.



Қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқаришда жаҳон тажрибаси

Дунё бўйича қуруқ қурилиш қоришмаларни ишлаб чиқариш бўйича энг етакчи фирма ва компаниялар қуйидагилар ҳисобланади: "Simpelkamp", "Sakret-Zentrale", "PCI", "Knauf" (Германия), "Partek", "Fexima", "Lohja" (Финляндия), "Sika AG" (Швеция), "Serett" (Франция), "Atlas" (Польша) ва бошқалар.

Польшанинг "Atlas" корхонаси ҳақида тўхталиб ўтадиган бўлсак, корхона 1991 йилдан бошлаб ўз фаолиятини олиб бормоқда. Корхона фаолияти бошланишида керамик плиткаларни маҳкамлашда ишлатиладиган елим ишлаб чиқарган. Корхона бир неча йил давомида Польша бозорларида етакчи корхона ҳисобланган. Ҳозирда корхона 18 та тадбиркорлик субъектларини қамраб олади, шулардан 4 таси Россия, Беларусия, Латвия ва Руминия дав-

латларида жойлашган. Ҳозирги кунда Польшанинг "Atlas" корхонасида 2000 га яқин ходим ўз фаолиятини олиб бормоқда. "Atlas" корхонаси Польшада биринчи бўлиб Европа стандартини қўлга киритган. Ҳозирги кунга келиб "Atlas" корхонаси қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда:

- керамика ва тош қоқламаларини ётқизиш ва ишқалаб текислаш учун;

- грунтловка, тозаловчи ва химоя материаллари.

- аралашмаларга қўшимчалар.

- аралашмалар ва ўз-ўзини текислаш учун пол қоришмалари.

- тайёр қурилиш қоришмалари.

- изоляциялаш ва ёпиш материаллари.

- юқори сифатли гипс ва чоксиз изоляция тизимлари.

- бўёқлар.

- гипс маҳсулотлари.

1.2 Гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмаларининг турлари, физик-кимёвий ва механик кўрсаткичлари



Қуруқ қурилиш қоришмалари орасида энг харидоргир ва қурувчилар томонидан энг кўп талаб қилинадигани - гипс қоришмалари бўлиб, уларнинг нархи паст ва сифати юқори. Бугунги кунда гипс асосида қуруқ қурилиш қоришмалари энг машхур материаллардан бири бўлиб, улар қурилишда фойдаланиш амалиётида ўзларининг самарадорлиги билан ажралиб туради. Қуруқ қурилиш қоришмалари қурилиш майдончаларида ёки фабрикада қўлда тайёрланган анъанавий оҳакли қоришмаларга нисбатан бир қатор муҳим афзалликларга эга.

Қўлланиш учун гипсли қуруқ қоришмалардан фойдаланиш меҳнат харажатларини 2 баробардан кўпроқ қисқартириради.

Гипс қоришмаларининг асосий турлари:

- Шпаклёвка учун қуруқ қурилиш қоришмалари.
- Сувоқ (штукатурка) учун қуруқ қурилиш қоришмалари.
- Гипсокартон ва гипс блок-

ларини ўрнатиш учун қуруқ қурилиш қоришмалар елими.

Шпаклёвка учун қуруқ қоришмалар девор ва шифтлар юзаларини якуний текислаш, бўяш ёки гулқоғоз учун бетон ва сувоқ қилинган сиртларни якуний тайёрлаш учун мўлжалланган. Улар ички пардозлаш ишлари пайтида гипсокартон орасидаги кўндаланг бўғинларни ёпиш, шунингдек, труба плиталарини ўрнатишда тешиқларни ёпиш учун ишлатилади. Улар турли хил материалларга яхши ёпишади ва амалда миқдори камаймайди. Гипсли тўлдирувчи моддаларининг афзаллиги тез қотишдир, бу эса бир неча соат қаттиқлашгандан сўнг кейинги қурилиш ишларини бажаришга имкон беради. Гипсли шпаклёвка тўлдирувчи моддалари оқлиги, қўлланилиш қулайлиги билан ажралиб туради.

Сувоқ (штукатурка) учун қуруқ қоришмалар ҳар хил турдаги (бетон, ғишт ва тўлқинсимон қилинган юзалар) деворлар ва шифтларни бир қатламли сувоқ

қилиш орқали юзаларни текис-
лаш учун мўлжалланган. Це-
ментли туридан фарқли ўларок,
гипсли тури кичикроқ донали
ҳажмга эга ва бир неча соат ичи-
да қуриydi. У ёрилиб кетмайди
ва яхши иссиқлик изоляциясига
ҳам эга. Гипс қоришмасининг
техник хусусиятлари уни қўлда
ҳам, машинада ҳам қўллашга
имкон беради. Иккинчиси анча
самарали гипс истеъмолини ка-
майтиради ва самарадорликни
сезиларли даражада оширади.
Сиртга тўғри ва ишлов бериш
билан сувоқли гипс қўшимча
шпаклевкани талаб қилмайди ва
енгил шувоқдан кейин, у бўяш
ёки гулқоғоз учун тайёр бўлади.

Қўлланиш жойлари:

- Фақат вертикал юзалар (де-
ворлар) учун;
- Универсал (шифтлар ва де-
ворлар);
- Қаватлар учун юқори қув-
ват (босим кучи 4МПа ва ундан
кўп).

Гипс асосидаги елим гипсо-
картонларни (ГКЛ), гипсли пли-
таларини (ГВП) ва бошқа гипс
маҳсулотларини ўрнатиш учун
ишлатилинади. Гипсга асослан-
ган бошқа қоришмалар сингари,
ишлатишдан олдин сиртни чанг
ва зарарли нарсалардан яхши-
лаб тозалаш керак. Фақат нор-
мал намлик шароитида бўлган
хоналарда ишлатилиши мумкин.



Сувоқ (штукатурка) учун қуруқ қурилиш қоришмалари.
Сувоқ (штукатурка) учун қуруқ қурилиш қоришмалари ва уларда-
ги эритмалар қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади.

Номланиши	Бирлиги	Кўрсаткич
Аралашманинг массавий зичлиги	кг / м ³	700 ... 1100
Эритмани қайта ишлаш вақти	мин	50 ... 100
Қаттиқлаштирилган эритманинг зичлиги,	кг / м ³	800 ... 1100;
Босим кучи	МПа	2,5 ... 7,0;
Эгилишда тортишиш кучи,	МПа	1,5 - 3,0
Таянчга ёпишқоқлик кучи (қайта ишланган сирт),	МПа	0,4 ... 0,7
Яроқлилик муддати	ойлар	3 ... 6


Ушбу хусусиятларнинг кўрсаткичлари эритманинг қўлланилиш соҳасига ва унинг таркибига боғлиқ



Шпаклёвка учун қуруқ қурилиш қоришмалари

Сипосини шпаклёвка қурилиш қоришмалари қуйидаги хусусиятларга эга:

Номланиши	Бирлиги	Кўрсаткич
Аралашманинг массавий зичлиги	кг / м ³	600 ... 700
Эритмани қайта ишлаш вақти	мин	60 ... 120
Қаттиқлаштирилган эритманинг зичлиги,	кг / м ³	1100.. 1800;
Босим кучи	МПа	4 ... 10;
Эгилишда тортишиш кучи,	МПа	2,5 - 5,0
Таянчга ёпишқоқлик кучи (қайта ишланган сирт),	МПа	0,3 ... 0,5
Яроқлилиқ муддати	ойлар	3 ... 6



Гипс учун қуруқ қурилиш қоришмалари

Гипс ўрнатиш аралашмасининг асосий физик-техник хусусиятлари қуйидагилардир:

Номланиши	Бирлиги	Кўрсаткич
Аралашманинг массавий зичлиги	кг / м ³	800 ... 950
Эритмани қайта ишлаш вақти	мин	60 ... 120
Қаттиқлаштирилган эритманинг зичлиги,	кг / м ³	1300.. 1350;
Босим кучи	МПа	4 ... 7,5;
Эгилишда тортишиш кучи,	МПа	1,5 - 5,0
Таянчга ёпишқоқлик кучи (қайта ишланган сирт),	МПа	0,3 ... 0,7
Яроқлилиқ муддати	ойлар	6

1.3 Афзалликлари

Гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмаларининг исте-
молчилар орасида танланиши,
муқобиллардан устунлиги каби
кўрсаткичлар замирида била-
мизки, бир қатор авзалликлар
ётади. Қуйида гипс асосидаги
қуруқ қурилиш қоришмалари-
нинг бир қатор афзалликлари-
ни келтириб ўтамыз.

АФЗЛЛИКЛАРИ

1. Гипс асосида қуруқ қу-
рилиш қоришмаларининг де-
ворларни текислаш, яхши ис-
сиқлик ва шовқин изоляцияси,
ёнгин хавфсизлиги, экологик
тозалиги, ҳаво таркибидаги
намликни ютиш ва чиқариш


қобилияти, фойдаланиш қу-
лай.

2. Гипс қоришмалари бир
соат давомида ўрнатилади ва
қуриydi.

3. Гипс композитлари билан
деворлар ва шифтларни гипс
текис суваладиган (шпаклевка)
ёки сувоқ (шкатурка) ишлари
олиб боргандан кейин бўяш,
гулқоғоз ёпиштириш ёки бош-
қа ҳар қандай материал билан
безатилиши мумкин.

4. Сирт жуда текис бўлиб
чиқади, ҳатто уни қайта ишлаш
ҳам шарт эмас.

5. Гипс асосидаги қуруқ қу-
рилиш қоришмалари билан
ишлаш анча осонроқ.



1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2016 йилда қуруқ қурилиш аралашмаларига бўлган талаб 179,4 минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 183,9 минг тоннани ташкил этган (таъминланганлик даражаси 103 %). 2020 йилга келиб юқоридаги барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда қуруқ қурилиш аралашмаларига бўлган талаб 460,0 минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 490,0 минг тоннани ташкил этган (таъминланганлик даражаси 107 %). Амалда 2016 йилда умумий қиймати 96,6 млрд сўмлик 183,9 минг тонна қуруқ қурилиш аралашмалари ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 340,0 млрд сўмлик 520,0 минг тонна, 2026 йилда 1 660,8 млрд сўмлик 2 400,0 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2026 йилга келиб иссиқлик сақловчи қурилиш материаллари билан таъминланганлик 150 % ни ташкил этиши прогноз қи-

линмоқда (2020 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп).

Ҳозирда амалга оширилаётган умумий ишлаб чиқариш қуввати 843 минг тоннани ташкил этувчи 49 та инвестиция лойиҳаси доирасида 1 273 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда.


Умумий олганда, 2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

II. ХОМ АШЁ ТУРЛАРИ ВА МАВЖУД ЗАҲИРАЛАР



2.1 Хом ашё турлари



Қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқаришда куйидаги компонентлар қўлланилади: **гипс, қум (кварц), сода, оҳактош (кукуни), доломит, бўр.**

ГИПС (юн. *gypsos* — бўр, оҳак) — минерал; сувли кальций сульфат тузи $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$; таркибида соф ҳолда CaO (32,56%), SO_3 (46,51%), H_2O (20,93%) бўлади. Тоза гипс рангсиз ва шаффоф, таркибида кўшимчалар бўлгани- кулранг, сарғиш, қўнғир ва бошқа рангли бўлади.

ҚУМ — бир-бири билан бирлашмайдиган, майда заррачалардан ташкил топган чўкинди тоғ жинси. Тоғ жинсларининг майда бўлакча (парча)лари ва турли минералларнинг думалоқ ва қиррали заррачаларидан таркиб топган.

ОҲАКТОШЛАР — карбонатли чўкинди тоғ жинслари.

У асосан кальций карбонат (CaCO_3) дан ҳар хил катталикдаги кальцит кристаллари шаклидаги биоген, детритал жинсдир. Таркиби 50 фоиздан ортиқ калцидан ёки арагонит минерали (CaCO_3)дан иборат.

ДОЛОМИТ (франц. минералоги Д. Доломье номидан) — карбонатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий формуласи (CaMgCO_3).

СОДА — турли натрий карбонатларнинг умумий техник номи. Кальцинацияланган сода — Na_2CO_3 (натрий карбонат) кристалланган сода — $\text{Na}_2\text{CO}_3 \cdot 10\text{H}_2\text{O}$ (натрон), ичимлик ёки озиқ-овқат содаси — NaHCO_3 (натрий гидрокарбонат) бор.

БЎР — элементлар даврий жадвалининг 5-элементи, нимметалл. Бўр — Менделеев даврий системаси III гуруҳига мансуб кимёвий элемент.

2.2 Республика ҳудудларида мавжуд хом ашё захиралари



Оҳактош захиралари

Вилоят номи	Конлар сони, дона	Захираси, минг.тонна
Қорақалпоғистон	8	200977,4
Андижон	1	1700,3
Бухоро	2	12930,8
Жиззах	8	67367,4
Қашқадарё	1	8862
Навобий	3	62198,2
Наманган	2	9881,9
Самарқанд	1	3668
Сурхондарё	3	15895,4
Тошкент	3	4817,9
Фарғона	2	15598
Жами:	34	403897,3

Кварц қуми захиралари

Вилоят номи	Конлар сони, дона	Захираси, минг.тонна
Қорақалпоғистон	1	59
Жиззах	1	145,7
Қашқадарё	1	2021
Навобий	2	33576,7
Тошкент	3	19552,9
Жами:	8	55355,3

Бўрсимон жинслар (доломит) заҳиралари


Вилоят номи	Конлар сони, дона	Заҳираси, минг.тонна
Қашқадарё	6	23 153,9
Навий	1	109,1
Наманган	1	2448,4
Сурхондарё	1	2891
Жами:	8	55355,3

Гипс заҳиралари (минг тонна)

Кон номи	Миқдори	Тури	Туман	Вилоят
Кувасой	907,0	Куруқ қоришмалар учун гипс	Фарғона	Фарғона
Шуралисой	119,0	Глино-гипс $\text{CaSO}_4 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ -54,21%	Янгийўл	Тошкент
Шарғун	3948	Гипс тоши	Сариосиё	Сурхондарё
Санджар	846,3	Куруқ қоришмалар учун гипс	Ғиждувон	Бухоро
Кристалл	717,5	Куруқ қоришмалар учун гипс	Бухоро	Бухоро



III. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ



Демак, куруқ қурилиш аралашмасини ишлаб чиқариш технологияси оддий бўлиб, у куйидагилардан иборат:

Биринчи босқичда тўлдирувчи сифатида кварц куми, оҳактош кукуни, доломит кукуни, бўр ва мел, бириктирувчи сифатида эса калций сульфат тақсимловчи (дозатор) га солинади.

Иккинчи босқичда тақсимловчи (дозатор) дан куруқ қоришмалар миксерга қоришма тайёрлаш учун куйилади. Қо-

ришма тайёрлангандан сўнг вақтинча бункерда сақланади.

Учинчи босқичда бункерга қуйилган тайёр маҳсулот қадоклаш ускунасидан қопчаларга қадокланади ва вақтинчалик сақлаш омборига юборилади.

Бир қарашда гипс асосида куруқ қурилиш қоришмаларини тайёрлаш технологияси осон кўриниши мумкин, ammo хом ашёни меъеридан ортик ёки кам ишлатиш маҳсулот сифатига таъсир кўрсатади.



Гипс асосида куруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш технологияларининг дастлабки нархлари.

1. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, суткасига 8 тонна гипс асосида куруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш қувватига эга. ПРОМ-ТЕХ-500 линияси. Дастлабки нархи - 275 000 000 сўм. metem.ru

2. Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган, суткасига 40 тонна гипс асосида куруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш қувватига эга. Турбо-МИКС-500 линияси. Дастлабки нархи - 362 650 000 сўм. uzbekistan.promportal.su

Ушбу линия ишга туширилиши натижасида **7-13 нафар янги иш ўрни** яратилиши мумкин.

IV. СИФАТ, МЕЪЕРИЙ ҲУЖЖАТЛАР
ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги хузуридаги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар

институтидан сотиб олиш мумкин.

Мазкур норматив ҳужжат орқали гипс асосида қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, хом ашё таркибида саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Гипс асосида қуруқ қурилиш қоришмаларини ишлаб чиқариш учун зарур намунавий стандартлар қуйидагилар:

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 31377-2008	Гипс боғловчили сувоқ учун қуруқ қурилиш қоришмалари. Техник шартлар
ГОСТ 31376-2008	Гипс боғловчили қуруқ қурилиш қоришмалари. Синов усуллари.
ГОСТ 4.233-86	Маҳсулот сифат кўрсаткичлари тизими. Қурилиш. Қурилиш қоришмалари.
ГОСТ 125-79	Гипсли боғловчилар. Техник шартлар.
ГОСТ 31189-2003	Қуруқ қурилиш қоришмалари, Таснифлаш.
ГОСТ 8735-88	Қурилиш ишлари учун қум. Синов усуллари.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи "2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати"га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш

Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Гипс асосида қуруқ қурилиш қоришмалари учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз singlewindow.uz электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқилади ҳамда **3 иш куни** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган гипс асосидаги қу-

руқ қурилиш қоришмаларидан намуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов асбоби, махсус классдаги электрон ва механик (аналитик, прецизион ва бошқа), дозалогич-тарозилар ва бункер, автомат ва ярим автомат, электрон ва механик принципдаги тарозилардан фойдаланади.

Ушбу ўлчов воситалари қурилиш материалнинг сифати, стандарт талабларда белгиланган ўлчамлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим фактор-

ларни доимий назорат қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситаси Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумлارининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сонли буйруғига** асосан бир йилда бир марта **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**


Хом ашё тури	материал сарфи, кг	Нархи, сўм/кг	Шу жумладан 1 кг учун сарф этилган хом ашё, сўм	25 минг тн учун йиллик харажатлар, сўм
Кварц қум	0.23	150,0	34,5	862 500 000
Оҳактош кукуни	0.5	70,0	35	875 000 000
Доломит кукуни	.01	400,0	40	1 000 000 000
Сода	0.26	25,0	6,5	162 500 000
Кальсий сульфат	0.20	12 000,0	2400	60 000 000 000
Мел	0.24	350,0	84	2 100 000 000
Электр-энергия	0,0004 кВт/кг	450,0	0,18	4 500 000
Жами:			2600,18 сўм/кг	65 004 500 000 сўм/йил
Транспорт харажатлари: (жами харажатларнинг 3,0%)			1 950 135 000	66 954 635 000
Хом-ашёларни сақлаш харажатлари: (жами харажатларнинг 1,0%)			650 045 000	65 654 545 000
Жами (транспорт ва сақлаш харажатлари қўшиб ҳисоблаганда) харажатлар:			2 600 180 000	67 600 630 000
Ишлаб чиқарувчининг фойдаси: (жами харажатларнинг 30,0%)			20 280 189 000	87 880 819 000
Умумий:				87 880 819 000

2021 йил ҳолатига кўра



VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА
АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ

6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги "2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5863-сонли фармониغا биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экология-

лаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш кувватларининг атмосфера хавосини ифлосланттирувчи стационар манбаларида самардорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш кувватларининг атмосфера хавосини ифлосланттирувчи стационар манбаларида самардорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўтиб қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноятидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни тахликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг қўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаётини жаратган рисоладагидек кечилишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилана фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажакда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33-35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионалик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;

жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5**

та норматив-ҳужжат ишлаб чиқилиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг худудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ
МУҲОФАЗА ҚИЛИШ



7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустақамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексиди, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунида, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйила-

ди. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан

қатъий назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофа-

за қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига

олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига келатган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқоти-

шига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш —

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги;

хавfli ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситала-

ри — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавfli ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Гипс асосида қуруқ қурилиш қоришмалари ишлаб ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.



VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.


Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис хужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур хужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис хужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш" тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит такдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);
- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинган ёки ижарага олинган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё захиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);
- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);
- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4335-сонли қарори.
2. Тўлаганов А.А., Камиллов Х.Х., Воҳидов М.М., Султонов А.А. "Замонавий қурилиш материаллари, буюмлари ва технологияли". Ўқув қўлланма. Тошкент, ТАҚИ 2014. 109-110 бет.
3. Касимов И.И. "Арзон замонавий қурилиш ашёлари". Архитектура, қурилиш йўналишида ўқиётган магистрантлар учун дарслик ва ёки тадбиркорларга қўлланма. Тошкент-2017.
Норматив ҳужжатлар:
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси қонуни. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида. Тошкент ш. 2016-йил 22-сентябрь. ЎРҚ-410-сон.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 мартдаги "2020-2021 йилларда ички ва ташқи бозорларда харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида" 136-сонли Қарори.
6. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
7. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.

"ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК" АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: "Ўзбекистон почтаси",
"Ucell" бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

"ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ" МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
"Ичан қалъа" меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254-92-01

E-mail: info@uzqmliti.uz

Сайт: uzqmliti.uz

Blank lined page for notes.

Blank lined page for notes.



Гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмалари
ишлаб чиқариш бўйича амалий услубий қўлланма

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.


Дизайнер:
Эрматов Ф.



Гипс асосидаги қуруқ қурилиш қоришмалари
ишлаб чиқариш бўйича амалий услубий қўлланма

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.



 (71) 200 43 43

 www.sqb.uz

 @sqbuz

 @joydauz

 @sqbuz

 @joydauz